

ХИТОЙ ВА ЯПОН АДИБИ 苏曼殊 СУ МАН-ШУ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-22-106-109>

Комилова Шахноза Туробиддиновна
ТДШУ. Шарқ мамлакатлари адабиёти ва
қиёсий адабиётшунослик кафедраси, катта ўқитувчи
shahnoz7779@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада хитой ва япон адабиётларида ижод қилган, XX аср адабий жараёнларда иштирок этган, таржимон, шоир, адиб Су Ман-шу ижодий фаолияти хусусида сўз юритилади. Шу билан бирга унинг хитой адабиёти намуналари турли тилларга таржима қилинган, хинд, япон маданиятини тарғиботи ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади.

Калит сўзлар: "Ёлғиз Оққуш", «Шакунтала», Та-Тунг, Тюка Гакуин

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена творческой деятельности поэта, переводчика, писателя Су Мана, работавшего в области китайской и японской литературы, а также принимавшего участие в развитии литературных процессов Китая 20 века. Вместе с этим привлекает внимание его образцы переводов из китайской литературы на разные языки, такие как: индийской, так и японской культур.

Ключевые слова: «Одинокий лебедь», «Шакунтала», Та-Тунг, Тюка Гакуин

ABSTRACT

The article is devoted to the creative activity of the poet, translator, writer Su Man, who worked in the field of Chinese and Japanese literature, as well as participated in the development of literary processes in China of the 20th century. At the same time, his samples of translations from Chinese literature into different languages, such as Indian and Japanese cultures, attract attention.

Keywords: "Lonely swan", "Shakuntala", Ta-Tung, Tyuka Gakuin



Адиби Су Ман-шу асли исми Су Сюань-ин 1884—1918 йилларда яшаб ижод этган. Ёзувчи, шоир, рассом, таржимон, инқилобий ҳаракатларда фаол иштирок этган. Ўзининг автобиографик "Ёлғиз Оққуш" номли қиссаси билан нафақат хитойда, балки японияда ҳам машҳур бўлган. Ўсмирлик чоғларидаги тажрибаси унга турли хил Ғарбий ва Шарқий маданиятларга осонгина мослашишга ва Хитой, Япон ва инглиз тилларини ўзлаштиришга ёрдам берди. У шунингдек санскрит тилини мукамал ўрганди. Шу тариқа Калидаснинг «Шакунтала» асарини, хитой мумтоз шеърияти намуналарини инглиз, япон тилларига таржима қилади.

1884 йилда Япониянинг Иокогама шаҳрида таваллуд топган, Японияда яшаган хитойлик савдогарнинг ўғли бўлиб онаси Вакако япон миллатига мансуб оддий оиланинг қизи бўлган. 1889 йилда Хитойнинг Гуандун

шахрига отасининг олдига юборилади. У ерда кишлок мактабини битиради, Кан Ювэй¹ томонидан асос солинган мактабда тахсил олади.

1902 йилда Токиога қайтиб келади. Токиода хитой талабаларининг инқилобий тўғарагида иштирок этади. Ана шу тўғарақларнинг бирида хитойлик шоир Чэг Дусю билан танишади, айнан шоирдан Су Ман-шу хитой мумтоз шеърятини ўрганди.

Ёшлик чоғларида японияда онаси томонидан бобоси ва бувисидан тарбия олган Су Ман-шу япон оиласининг урф одатлари, маданиятини яхши билган. Кейинчалик уни отаси томонидан аждодлари яшаган Сянчжойдаги Жяншан кишлогига юборилади, у ерда кантон диалектикасини ва хитой мумтоз таълимини олади. 13 ёшида отаси уни инглиз мактабига ўқишига олиб боради.



898

Су Ман-шу япониялик бобоси ва бувиси билан

йилда 17 ёшли Су Ман-шу Японияга қайтиб келади. Тўрт йил давомида Та-Тунг (Ёкохама хитой институтининг Тюка Гакуин мактаби) да тахсил олади. Японияда 1987 йилда ана шу мактабда унинг хотирасига бағишлаб адабий ёдгорлик белгисини ўрнатилади.

1903 йилда Су Ман-шу Шанхайга келди

Су Ман-шу тўртлик. Мактабда хотирасига

бағишланган адабий ёдгорлик

ва инқи
лоби

й ҳаракатга қўшилди. У фаол публицистга айланди, бу унинг инқилоб ишига онгли тенденцияларини ўзлаштиришга ҳаракат қилади, ҳамда Хитой буддизмига қизиқишлари катта эди. Унга Маншу исми роҳиб бўлганида берилган, бодхисаттва Манджушрининг² хитой тилидаги шакли сифатида берилган. 1904-1912 йилларда у Хитой ва буддизм динини ўрганиш учун турли мамлакатларида, шу жумладан Ҳиндистон ва Явага кўп саёҳат қилган.

1908-1909 йилларда 杨文会 Янг Венхуи томонидан Нанкиндаги буддистлар марказида инглиз ва Санскрит тилларидан дарс бериш учун жалб қилинади. Кейин 1911 йилги инқилобий жараёнларда Су Ман-шу бир мунча вақт Шанхайда жойлашиб, адабий фаолият билан шуғулланган. Шу тариқа хитойда бошланган инқилобий ҳаракатлари гувоҳи бўлади, бир қатор инқилоб фаоллари, адабиётчилар билан танишади. Япон ва инглиз тилларига бир қатор хитой адиблар ижодидан намуналар таржима қилади. Масалан инглиз адиби

¹ Канг Ювэй, Хитой файласуфи, хаттот, Цинг сулоласи даври ислохотчи бўлган. У Гуанси императори томонидан қўллаб-қувватланган 1898 йилдаги ислохотлар ҳаракатини бошқарган. Конституциявий монархия тарафдори, Хитой миллатчилигининг биринчи тарафдорларидан бири.

² Манджушри или Сарвадхармапрапаньча (*санскрит тилида*. मञ्जुश्री, Mañjuśrī) -Бодхисаттва Манжушри, Гаутама Будданинг афсонавий шериги, "Шарқдаги Жаннатнинг кўриқчиси", санъат ва барча билимга интиланларнинг хомийси ҳисобланган.

Байроннинг шеърларини хитой тилига таржима қилади. Бунга Шанхайдаги Британия консуллиги бу таржима китобига инглиз тилида пролог ёзиб беради. Бу жараён хитой адиби Лу Син томонидан юқори баҳоланади. Шу тариқа Су Ман-шу хитой адабиёти тарихида илк бор лорд Байрон ва Перси Биши Шеллининг шеърларини хитой тилига таржима қилган адиб эди.

Шу тариқа хитой аҳолисига шотландлик шоир Роберт Берн, британиялик шоир Ричард Ховитт ва хинд шоири, адиб Тору Даттанинг ижодини инглиз тилидан таржималари билан таништиради.

Буддизмга бўлган қизиқиши туфайли Су Ман-шу ижодида буддизм маданиятига хаддан ташкари устунлик кўринади. У санскрит билимдони ҳисобланган, ҳамда шу орқали катта обрўга эга бўлган. 24 ёшли Су Ман-шу 8 томлик санскрит луғатини тузган.

Эътиборли томони шуки, Су Ман-шу хитой маданиятини дунёга танитган ижодкор. Ханчжоу шаҳридаги Линьинь ибодатхонада, Чаншадаги Юнфу ибодатхонасида, ҳамда Хиндистон ва Шри-Ланкадаги бир қатор ибодатхоналарда ижод қилган.

Япон, инглиз тилларига хитой машхур илк шоири Цюй Юаньнинг “Ли Сао” поэмасини, адабий ёдгорлик “Шижин”ни, мумтоз шеърият намуналарини, Тан даврининг Ли Бай, Ду Фу, Ли Хе, Тао Юаньмин каби шоирлари шеърларини ҳам таржима қилган.

Су Ман-шу шеърият билан бир қаторда кўплаб қисса ва хикоялар муаллифи. Унинг энг машхур асари “Ёлғиз Оққуш” автобиографик роман жанрда ёзилган. Ушбу романда Сабуро исмли ёш йигитнинг тарихи ёритилган. Унинг роҳиблик йўлини ёки турмуш қуриш йўлини танлашга амин бўлмаган воқеаси берилган. Романда хикоя қилинаётган воқеа Сабуронинг ибодатхонадаги анъанавий роҳиблик амалиётини тугатаётганлиги билан бошланади. Роҳиблик даврида турли жойларга боради, у жуда кўп қийинчиликларни кўради, унга нисбатан бошқаларининг таъзиқи азобга солади. Кунлардан бир кун Чао исмли бир инсон ёрдам беради, хатто уйига таклиф этади. Асар давомида ёрдам кўлини узатган Чаонинг онаси Сабуро ёшлик чоғларида унга энагалик қилган қари она бўлиб чиқади. Отаси эрта вафот этгани, онаси японияга олиб кетиб вояга етказгани хақида хикоя қилинади. Кейинчалик онаси томонидан отасининг ватани хитойга юборилади. Вояга етган Сабурога отасининг энг яқин дўсти унга оталик қилади йўл йўриқ кўрсатади, қўлаб қувватлайди. Ёшлигида Сабуро Сноу-мэй исмли қизни севиб қолади, бироқ қизнинг ота онаси қизнинг танловига қарши борадилар, уларнинг мақсади бирор бир ўзига тўқ оилага қиз бериш эди. Сноу-мэй Сабурога японияга бориши ва онасини олиб келиши учун пул беради. Узоқ йиллар онасини ёнига японияга бормаганлиги сабаб онасини узоқ вахт излашига тўғри келади, ниҳоят топади. Онаси эса бу вахтга келиб бетоб бўлиб қолган эди. онасини ёнига келганида эса онаси томонидан боқиб олган синглиси билан танишади. Онаси уни холасининг боқиб олган Киёко исмли қизи билан ҳам таништиради. Киёко нафақат чиройли бўлади, балки ўқимишли қиз бўлиб хитой мумтоз адабиётини ўрганган эди. Сабуронинг онаси айнан Киёко билан турмуш қуриши кераклиги айтади. Бироқ роҳиб бўлиш истаги борлигин онасига билдиради, онаси қаттиқ хафа бўлади. Бироз вахт ўтиб эса Киёкога уйланишга розилик билдиради. Унинг бу роҳиблика бўлган хиссиёти устунлик қилади охир оқибат уйни тарк этишга мажбур бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки адиб Су Ман-шу серкирра ижодкор бўлиб, хитой, япон, инглиз тилларини мукамал билгани сабабли, бир қатор хитой мумтоз асарлари, шеърият намуналари таржима қилинади. Санскрит тилиндаги асарларни ҳам бевотида инглиз, япон ва хитой тилларида халққа олиб чиққан. Буддизм динига бўлган қизиқиши ортидан роҳиб ҳам бўлган. Ханчжоу шаҳридаги Линьинь ибодатхонада, Чаншадаги Юнфу ибодатхонасида, ҳамда Хиндистон ва Шри-Ланкадаги бир қатор ибодатхоналарда ижод қилган.

REFERENCES

1. Джавохир Абубакиров, & Дилафруз Мухиддинова (2021). Художественные языковые
2. особенности 人口庭園 в произведении «Фальшивый сад» Абе Томодзи. Общество и инновации, 2 (4/S), 468-474. doi: 10.47689/2181-1415-vol2-iss4/S-pp468-474
3. McAleavy H. *Su Man-shu. A Sino-Japanese genius*.
4. Saidova, N. M. (2021). Features of the Development of the Saudi Realistic Story in the Second Half of the Twentieth Century. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 8(4), 360-370.
5. 中国现代文学史 1917-1997/北京/2008 年.
6. <https://max-k-studio.com/su-manshu/>
7. ru.knowledgr.com
8. Akhmedova, Shakhlo Irgashbaevna. (2021). "SYMBIOSIS OF ARTISTIC TRENDS IN CONTEMPORARY LITERATURE OF THE ARAB COUNTRIES OF THE PERSIAN GULF." *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES (2767-3758)* 2.09, 105-109.
9. Akhmedova, Shakhlo Irgashbaevna. (2021), "Ideological and artistic searches in the short stories of the arab countries of the persian gulf at the beginning of the XXI century." *Asian Journal of Multidimensional Research* 10.10, 838-842.